

Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш
ШАРТНОМАСИ

2022 йил "28" январ 3/54 -сон
Фалғорол ш
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Фалғорол Таббейт
Селлеви

(истеъмолчи номи)
(кейинги ўриларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари _____ бир
томондан Низом ва 2021 йил "____" _____ да берилган
_____ -сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи "Худудгаз
Жиззах" газ таъминоти филиали (газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги
ўриларда "Етказиб берувчи" деб аталади), раҳбари Й.М.Ғайбуллаев иккинчи
томонда, қуйдагилар тўғрисида мазкур шартномани тузадилар:

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг
келинган буюртманомаси бўйича табий газ (кейинги ўриларда газ деб
аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу
шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини
олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2 Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига
мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикатга эга газ
қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги
ўриларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3 Истеъмолчи етказиб берувчига таъинланган метрларга (Табий газдан
фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ёки
кўрсатилмаётган хизмат)га нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни
тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июл кунига қалар келгуси йилда истеъмол
қилиши тахмин қилинмаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4 Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ
ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда куб.м, нархи 660
1490810 минг сўмин ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича
қуйдагича тақсимланади.

1-чорак	2227	минг куб.м	январ	9090	феврал	9090	Март	4547
2-чорак	—	минг куб.м	апрел	—	май	—	Июн	—
3-чорак	—	минг куб.м	июл	—	август	—	сентябр	—
4-чорак	—	минг куб.м	октябр	—	ноябр	—	декабр	—

Етказиб берувчи томондан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун
Магистрал ва газ таъминоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-
сон қарорида кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга

20 _____ йилда зарур бўлган табий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб
метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйдагиларни ташкил қилади:

1-чорак	—	минг куб.м	январ	—	феврал	—	март	—
2-чорак	—	минг куб.м	апрел	—	май	—	июн	—
3-чорак	—	минг куб.м	июл	—	август	—	сентябр	—
4-чорак	—	минг куб.м	октябр	—	ноябр	—	декабр	—

1.5 Агар истеъмолчи ойлар бўйича бўлган буюртмаларни тақдим этмаса,
Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табий газ ҳажми ойлар бўйича
бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6 Етказиб берувчи истеъмолчини буюртмаларини табий газ ресурслари ва
газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар
доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навабдаги ой
(чорак) учун кўрсатилган табий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ
таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ
миқдори деб ҳисобланмайди.

ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

1. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда
ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Сапоат ва коммунал фойдаланиш учун табий ёнувчи
газлар)га мувофиқ тарздаги табий газни етказиб берилади.

2. Истеъмолчи етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-
бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолнинг суткалик метри доирасида
газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул
қилиш далолатномасини имзолайди.

3. Етказиб берувчи истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул
қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали
истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

72-432-1208

4. Етказиб берувчи истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига
қадар камида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ
қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор
қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимида
бузилганда, шунингдек, куз-қиш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва
аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табий газ билан таъминлаш мақсадида
етказиб берувчи истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш
ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, истеъмолчи эса захира ёқилги туридан
фойдаланишга ўтади.

6. Истеъмолчи етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш
доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун
жавобгарлиқни ўз зиммасига олади.

7. Истеъмолчи захира ёкилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёкилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГПП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши охибигага газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартлари олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

10. Истеъмолчи ёки етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бириги бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуқсиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчининг талабларини бажариш истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

2. етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниш чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3. Бирлик миқдори стандарт шартда 1 м³ газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кпа (760 ммХг) (ГОСТ 2939-63 1,1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг меъёрӣ-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шартда пароятта автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

4. Етказиб берувчининг ёки истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ПГХНАТ-АСКУТ) ларига уланиши лозим.

6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида Ўз ДСт 8.030:2008 "Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар", Ўз ДСт 8.031:2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қиёсов кўригидан ўтказилган сертификати ва ёки метрологик аттестатсиясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг қиёсов кўриклдан ва ёки метрологик аттестатсиясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёсов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигида метрологик аттестатсиядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўриги калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёсов кўриги калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексининг эгаси қақради.

12. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларини модернизатсия қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари етказиб берувчи билан келишилади.

13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборнинг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборнинг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилиши таъминлайди.

14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига истеъмолчи иштирокида ўрнатгани ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутуллига истеъмолчи жавобгардир.

15. Етказиб берувчи истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонучилигига мувофиқ етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

16. Ўз ДСт 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритаъбир ҳолатлар юзга келган тақдирда Ўз ДСт 8.064-2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашини ҳолатлари бундан мустасно.

17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги ҳаглолдан ўтказиб далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охириги ҳаглолдан ўтказиб далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) - шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини, инobatта олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда - қиёслов кўригидан ўтказиб учун эчилганда - ҳисобга олиш прибори эчилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиб ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиб мuddати тугаганда - қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиб мuddати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиб учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутулли бузилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик билан ечиб қўйилганда — охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қурувларида ёки ГТПларида асоб-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга.

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда таъсир таъсир кўрсатган ҳолда таъбир газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда- таъсир таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво мuddатидан ортиқ бўлмаган мuddатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисоблаш, ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (ҳисоб-китоб учун ТТХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган таъбир газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТТХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги ҳаглолдан ўтказиб далолатномаси тузилган кундан, ҳаглол далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса — газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослангирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) - бир ҳисоб-китоб даврига;

18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чеграси остида сарфланган, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг метёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмини ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи “Ўзстандарт” агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса - экспертиза ўтказилиши талаб қилган тараф томонидан амалга оширилади.

20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиққанлиги аниқланган тақдирда истеъмолчи 24 соат ичида етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асоб-ускуналарни ишлаш графитини тузиши ва ишламайдиган газ асоб-ускуналарини етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиб ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (Ўз ДСт 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунида белгилаган тартибда қўча қирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тарихида тўланган ҳажми учун тўлов қунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан овоз қилинади.

ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФойДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

1. Газдан фойдаланишда истеъмолчи томонидан мажур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хукуқбузарликларга йўл қўйилиши, етказиб берувчи ва истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланмаган ва икки нусхада тузиладиган даълолатнома билан расмийлаштирилади.
2. Ушбу шартноманинг 5.1.-бандига асосан расмийлаштирилган даълолатномага мувофиқ истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.
3. Бунда мажур шартноманинг 5.2.-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийمатининг ундирилиши истеъмолчинини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан овоз қилмайди.

ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚўЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бар்தараф этилуғи қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:
 - шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
 - Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш уқуқуналири ва ҳисобга олиш қурималарини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
 - фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижақида қарздорлик мавжуд бўлганда;
 - шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдидан тўловлар амалга оширилмаганда;
 - Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтгазиспекс"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;Ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартирини мақсадда уларнинг ишлашига тўққинлик қилувчи ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний улашни ёки бошқа қондабузарликлар ёқуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижақида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарлигини ўз зиммасига олмайди.

2. Тармоққа қайта улаанишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

3. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларини масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

ТАРАФЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:
 - ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;

- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз улаанишларни аниқлаш учун даврий кўздан кеçириш;

- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

- газ ҳисоблаш уқуқуналиридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қамда уч йил мобайнида ўзида сақлаишишни таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларида кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бар்தараф этилуғи қадар табиий газ таъминотини кўшимча оғохлантиришларсиз тармоқдан ўчириниш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуққни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунида назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва вақолатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариниш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларининг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи уқуқуналирини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида - дарҳол;

- оқват тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш уқуқуналирининг носозлигида - бир кун давомида;

- иенгитиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш уқуқуналирининг носозлигида - бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш уқуқуналирининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) - икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш уқуқуналирини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;

- Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга қўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартриш ёки тўхтайтиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз улааниш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларига авариянинг олддини олиш ёки бар்தараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғохлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтайтиш ёки чеклаш;

Ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондабузарликлар бар்தараф этилуғи қадар аввалдан оғохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтайтиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш даълолатномасини ва ҳисоб-қарақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасига етказиб берувчига

электрон газ ҳисобдонини архив мавлумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жаҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланishларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мулғазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициatlanмаган, газлаштирилган лойҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланishiга йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтьгазиселексия" ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечирилиши таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг касалдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўриятилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши четарасида табиий газ сарфи бўйича мавлумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПТХНАТ-АСКУТ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўриатиш.

4. Истеъмолчи етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:
- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, етказиб берувчининг табиий газнинг истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг нисбончилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб берил режимга риоя қилган ҳолда узатилиши;

табиий газни етказиб берил шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун туланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб берил шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб берил тўхатиладиганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхатилиши.
Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

1. Етказиб берувчи истеъмолчига газ етказиб берил шартномасига асосан газ эйткизиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилилмаганда;
д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида истеъмолчига моддий зарар етказилганда, етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн бараваридан ўн беш баравари микдориди жарима қўлинади.

3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади. қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;
б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) қиш даврида вақтинча газ етказиб берил чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб берил тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив - ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг ҳақ тўлашни рад этганда етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдориди жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, истеъмолчи етказиб берувчидан белгиланган тартибда туланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, етказиб берувчи Истеъмолчига мuddати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдориди, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

6. Шартномада кўрсатиб ўтилган мuddатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида туланмаган тақдирда, истеъмолчи мuddати ўтган ҳар бир кун учун мuddати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдориди, бироқ мuddати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

1. Ўшбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тadbик этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

2. "Истеъмолчи" "етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш мuddати давомида у (шунингдек, унинг ҳодимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қондаларига қатий риоя қилади.

НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ШАРТИБИ

1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қондага кўра, уларни судга хал этиш чораларини кўрадилар.
2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни хал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга муроса қилинган ҳақиқидир.
3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришига йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

1. Томонлар:
 - а) табиий офатлар;
 - б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида қўтилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгил бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнғин чиқishi, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмағи қолганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлади.
2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай апока вогитаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.
3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани қулгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.
2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон қарорига асосан Ҳазилчилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга қиради.
3. Шартнома "2022" йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугатилган кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан муроса қилинган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугатилган кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан муроса қилинган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили "2022" йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.
4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қўриб чиқилади.

ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош

ТОМОНЛАРНИНГ BANK РЕКВИЗИТЛАРИ VA MANZILI

<p style="text-align: center;">“ETKAZIB BERUVCHI”</p> <p>“Hududgaz” AK Jizzax viloyati “G’allaorol tumangaz” gaz ta'minoti bo'limi</p> <p>Manzil: tel/faks: H/r: O.Azimov ko'chasi 3-uy</p> <p>Bank nomi: “Uzmanaotqirilish” bank MFO: 00435 INN: 306605769 OKED: H/r 22634000205113960333</p>	<p style="text-align: center;">“ISTE'MOLCHI”</p> <p>Chalqaborol Tibbiyot kolleji <small>(byudjet tashkilotlari, xo'jalik sub'ektlar nomi)</small></p> <p>Pochta manzili: <u>Mustaqillik</u> <u>Kochasi 36-uy</u></p> <p>OPKO kodi: <u>98660</u> OKED: Muloqot telefoni: <u>77-432-12-09</u> G'az/h <u>23402000300100004080</u> Bank nomi: <u>Bank Taymer</u> MFO: <u>00014</u> INN: <u>201030645</u> sh/h <u>40091086008109708260054</u> h/r</p>
<p style="text-align: center;">“GAH. N. OBIDOV” (F.I.SH)</p> <p>Rahbar: <u>B.N. Obidov</u> Imzo: <u>[Signature]</u> Muhb o'lim</p> <p style="text-align: center;">AKSIYADORLIK JAMIYATI “GAH. N. OBIDOV” (F.I.SH)</p> <p>Rahbar: <u>[Signature]</u> Imzo: <u>[Signature]</u> Muhb o'lim</p>	<p style="text-align: center;">“MUNOQABALIK” (F.I.SH)</p> <p>Rahbar: <u>[Signature]</u> Imzo: <u>[Signature]</u> Muhb o'lim</p> <p style="text-align: center;">“MUNOQABALIK” (F.I.SH)</p> <p>Rahbar: <u>[Signature]</u> Imzo: <u>[Signature]</u> Muhb o'lim</p>
<p>Yuridik maslahatchi hullosasi: <u>[Signature]</u></p>	
<p>(FISH) (IMZO, MUHR) (SANA)</p>	

Foydalanishga qabul qilingan gazdan foydalanish uskunalari
RO'YXATI



Faoliyat turi: _____

Kadastr № _____

Tabiiy gaz tarifi _____ so'm _____ tiyin.

T/r	Korxonada, uchastka, sex nomi	Agregatlar		Loyihaviy gaz sarfi, m.kub/soat	Gazni hisobga olish priborlarining turlari
		Nomi	Soni		

KELISHILGAN:

 <p>Etkazib beruvchi Rahbar: _____ Imzosi: _____ Muhri o'рни: _____</p>	 <p>Iste molchi Rahbar: _____ Imzosi: _____ Muhri o' rni: _____</p>
--	--

Ijrochi: _____ (imzo) _____ (F.I.S.H.)